Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP — O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2011-yil, 30-aprel. Shanba • 52 (31.328) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Ҳурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар!

Авваламбор, барча-барчангизни бугун гўзал ва бетакрор Сурхондарё заминида бошланаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этишдан хурсандман. Қадимий Термиз шаҳрига мутлақо янгича қиёфа ва чирой бағишлаган, янгидан бунёд этилган спорт иншоотлари, жумладан, барчанинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган мана шу муҳташам майдонда тўпланган сиз азизларни — мен учун қадрли бўлган баркамол ўғил-қизларимни қутлар эканман, ҳаммангизни ғойибона бағримга босиб, сизларнинг қадди-қоматингиз, азму шижоатингизга, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимнинг чексиз меҳр-муҳаббатим, катта ишонч ва умидимни билдиришдан ҳақиқатан ҳам бахтиёрман.

Навбатдаги — бешинчи «Баркамол авлод» ўйинларининг юртимизнинг жанубий остонаси бўлмиш Сурхон диёрида, Ватанимиз мустақиллигининг шонли 20 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётганининг ўзи чуқур рамзий маънога эга бўлиб, нафақат мамлакатимиз, балки ён-атрофда жойлашган давлатлар аҳолисининг ҳам эътиборини тортаётганини, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Мамлакатимиз, қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли беллашувларда ғолибликни қўлга киритган, бугун сизларнинг сафларингизда барчага ўрнак ва намуна бўлиб турган ўғил-қизларимиз эртанги кунда жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, энг юксак соврин ва нишонларнинг соҳиби бўлишига, халқимизнинг ғурур ва ифтихорига айланишига ишончимиз комил.

Шу борада биргина мисол — ёш спортчиларимизнинг ўтган йили Хитойда бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларида 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медалига сазовор бўлгани, футбол бўйича ўсмирлар миллий терма жамоамиз Мексикада бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Ёшлар спортини ривожлантириш, юксак даражага кўтариш мақсадида амалга оширган ишларимиз кўламини сўнгги йилларнинг ўзида барча вилоят ва туманларимизда 1200 дан зиёд болалар спорти иншооти, жумладан, 61 та сузиш ҳавзаси, 724 та мактаб спорт зали барпо этилгани, улар замонавий жиҳоз ва анжомлар, малакали устоз-мураббийлар билан таъминлангани мисолида кўриш, кузатиш қийин эмас, албатта.

Бу йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг дастлабки босқичида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 1 миллион 600 минг нафардан зиёд фарзандларимизнинг 740 минг нафари ёки қарийб 50 фоизи иштирок этгани ушбу мусобақаларнинг қамрови қандай кенг экани ва мана шу кураш майдонларида бўлажак беллашувларнинг нақадар қизғин бўлишидан дарак беради.

Бугунги ёшлик ва нафосат байрамини, юртимизда шаклланган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари деб ном олган уч босқичдан иборат ноёб тизимни биз минг-минглаб ёшларимиз учун спорт оламида энг юксак марраларни эгаллашда ўзига хос парвоз майдончаси сифатида қабул қиламиз. Бундай самарали тизим сиз, азиз болаларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, имон-эътиқоди мустаҳкам инсонлар этиб вояга етказишда, қатъият ва мардлик руҳида тарбиялашда ёшларимизнинг чиниқиш ва маҳорат мактабига айланиб бораётгани барчамизни албатта қувонтиради.

Қадрли ўғил-қизларим!

Эл-юртимизга хос бағрикенглик, орият ва ғурур туйғусини улуғлаб яшайдиган Сурхон аҳли мардларни севади, майдонга бел боғлаб чиққан инсонларни ардоқлаб бошига кўтаради. Шундай оташин спорт мухлисларининг ишонч ва эътиборини қозониб, уларнинг олқишларига сазовор бўлишнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бир иштирокчи учун катта шараф ва масъулиятдир.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда сизлар ғалаба иштиёқи билан курашга шайланиб турар экансиз, Термизий боболаримиздек улуғ зотларни вояга етказган, Алпомишдек мард ўғлонлар, Барчинойдек барно қизларни улғайтирган қандай муқаддас заминда майдонга тушаётганингизни, ўйлайманки, чуқур англаб, ҳис этиб турибсиз. Бу эса сизларнинг ҳар бирингизга баланд руҳ, жўшқин ғайрат ва ишонч бағишлайди, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» спорт ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуаларини барпо этган моҳир қурувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Сурхон аҳлига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан кўҳна ва навқирон Термиз шаҳри тобора обод бўлиб, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг олтин дарвозасига айланиб бормоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Азиз фарзандларим!

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида қандай оғир ва мураккаб йўлни босиб ўтиб, бугун барқарор ўсиш суръатларига эришаётган, жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторига кириш учун ишонч билан бардам қадам ташлаётган экан, бунинг энг муҳим шарти ва мезони битта: яъни, дунёда яккаю ягона бўлган она Ватанимиз тараққиёти учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш, мана шу мусаффо осмонимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизни қатъият билан ҳимоя этиш, бу йўлда ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туришдан иборатдир.

Айнан шу асосда буюк ва муқаддас юртимизнинг тупроғини кўзингизга тўтиё қилиб, унинг шону шуҳратини етти иқлимга таранним этиш учун ўз ҳиссамни қўшаман, деб Ватанга чин фарзандлик севгиси ва садоқати билан яшасангиз, ишонаманки, ҳеч қачон кам бўлмайсиз.

Сизларни яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга бугун бошланаётган мусобақаларда бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Муҳаммад АМИН, Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

# БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ

***Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» республика спорт мусобақалари бошланди***

Қадимий ва ҳамиша навқирон Термиз шаҳри оқшом оғушига чўмган бўлса-да, кўчалар ва хиёбонлар чароғон. Ранг-баранг чироқлар жилоси, Амударёдан эсаётган салқин шаббода, енгил ҳилпираётган байроқлар шаҳарга ўзгача руҳ, ўзгача тароват бахш этган. Сурхондарё вилоятида илк бор ўтказилаётган мазкур йирик нуфузли тадбир — ёшлик, баркамоллик, нафосат ва бирдамлик байрами — «Баркамол авлод — 2011» мусобақалари муносабати билан қад ростлаган муҳташам «Сурхон» спорт мажмуининг ўн минг томошабинга мўлжалланган стадиони меҳмонлар ва спорт мухлислари билан гавжум.

Стадион узра «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларининг чорлов садолари янграйди. Майдонга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг терма жамоалари кириб келади.

Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Жўраев академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари байроғи ҳилпирайди.

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаси иштирокчилари бўлажак спорт беллашувларида ҳалол ва муросасиз курашишга тантанали қасамёд қиладилар.

...Ўзбекистон — буюк ва муқаддас Ватан. Мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, ҳаётимизнинг осойишта ва тинч-тотувлигини келажагимиз эгалари — бугун она заминимизда камол топаётган баркамол авлод таъминлайди. Зеро, юртимизда эркин демократик жамият қуриш учун кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган баркамол авлод вояга етмоқда.

Фарзандларимизнинг ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намоён этиши, бугунги ва эртанги кунимизнинг том маънодаги ҳал қилувчи кучига айланиши учун Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида катта куч ва имкониятлар сафарбар қилиниб, улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундай улкан имкониятлардан самарали фойдаланиб, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топаётган, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида ўз билим ва истеъдодини, куч ва имкониятларини намоён этиб келаётган фарзандларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат узлуксиз спорт тизимининг аҳамияти беқиёс. Мазкур уч босқичли ноёб спорт тизими мутахассислар томонидан янги педагогик технология сифатида эътироф этилиб, бугун кўплаб давлатлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётир. У бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, мамлакатимизнинг барча ўқувчи ва талаба-ёшларини ўз сафига қамраб олмоқда, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилмоқда.

⇨ 4

## Концепция:

# Устувор вазифалар белгиланди



Президентимиз илгари сурган Концепция мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиш ва уларнинг самарасини таъминлаш ҳар биримиздан, айниқса, сиёсий партиялардан янада фаоллик талаб этади.

ЎзХДП Фарғона вилоят Кенгашида партия фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда Концепцияда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаолиятини янада кучайтириш масаласи муҳокама этилди.

Фаоллар йиғилишида партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари ва масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари мутахассислари, Фарғона вилоят партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари вилоят ҳамда туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

⇨ 2

## Конференциядан кейинги ўйлар

# Халқимиз орзу-интилиши ифодаси

Ҳаёт қонуниятларидан бири шуки, дунёда ҳеч бир нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Одамзот шундай бир хилқатки, унга яратувчилик салоҳияти ато этилган. Ана шу фазилат туфайли инсон ўз олдига эзгу мақсад қўяди ва унга эришиш йўлида тинмай изланади.

Истиқлол шарофати туфайли бунёдкор халқимиз давлатимиз раҳбари бошчилигида буюк давлат барпо этиш йўлида катта тарихий муваффақиятларга эришиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, юртимиз қиёфаси қай даражада ўзгаргани, очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида қандай натижаларга эришганимизни халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда. «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияда билдирилган фикр-мулоҳазалар бунинг яна бир тасдиғидир.

Қуйида Концепциянинг олтита йўналишидан бири, иқтисодий соҳадаги устувор йўналишлар моҳияти хусусида баҳоли қудрат фикр юритилади.



⇨ 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 26 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1814,89 | 1 Миср фунти | 284,20 | 1 СДР | 2722,43 | 10 Жанубий Корея вони | 15,63 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2793,46 | 1 Канада доллари | 1775,37 | 1 Туркия лираси | 1113,39 | 10 Япония иенаси | 206,57 |
| 1 БАА дирҳами | 460,59 | 1 Хитой юани | 259,75 | 1 Швейцария франки | 1907,50 | 1 Россия рубли | 60,54 |
| 1 АҚШ доллари | 1691,57 | 1 Малайзия ринггити | 562,92 | 1 Евро | 2442,02 | 1 Украина гривнаси | 212,36 |

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Конференциядан кейинги ўйлар

# Халқимиз орзу-интилиши ифодаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

### Конференция: эътирофлар, хулосалар, тавсиялар...

Анжуманда 40 дан зиёд давлатдан 200 нафардан ортиқ таниқли иқтисодчи олимлар, машҳур сиёсатчилар, нуфузли даврий нашр вакиллари, халқаро экспертлар иштирок этди. Аввалло, бир саволга аниқлик киритсак. Хўш, эксперт фикри деганда нима тушунилади? Экперт дегани, борни — бор, йўқни — йўқ, деб гапнинг пўст калласини айтадиган мутахассис ҳисобланади.

Улардан бири — Марказий Осиё мамлакатлари бўйича Кембриж Форуми тадқиқотлари бўйича директори, доктор Шайлажа Феннелнинг фикрига эътибор берайлик: *«Концепциянинг барча олтита йўналиши ниҳоятда қимматлидир. Халқаро ҳамжамият уларнинг ҳар бирида белгилаб берилган Ўзбекистон тажрибасини чуқур ўрганмоғи зарур»*. Яна унинг фикрича, Концепцияда белгиланган вазифалар яқин йилларда республикани ривожлантириш дастури, умуман, «ўзбек модели»нинг нақадар ҳаётийлигидан далолат беради.

Концепция хусусида Украина президенти маслаҳатчиси, сиёсатшунос олим Дмитрий Видрин шундай дейди: *«Ўзбекистон давлатчилигининг сиёсий қурилиши, мамлакатни ривожлантириш йўли ва моделини, унинг амалга оширилишини чуқур таҳлил қилиб, тараққиётнинг «ўзбек модели» мазмун-моҳиятига кўра, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида энг мақбул ва барқарор ривожланиш модели эканига ишонч ҳосил қилдим. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган мазкур ривожланиш йўли жамият ва давлатнинг саъй-ҳаракатини бир мақсадга йўналтира олгани билан, айниқса, аҳамиятлидир. Чунки кўп ҳолларда давлат ёки жамият бир томонлама ривожланиши оқибатида ўзаро муносабатларда номутаносиблик юзага келади»*.

Агар халқаро экспертлар, сиёсатчилар ва иқтисодчи олимлар билдирган фикр ва мулоҳазалар яхлит олиб қаралса, қуйидагича якуний хулосага келиш мумкин:

— Мазкур Концепция кенг қамровлиги, яъни ҳаётнинг барча устувор жиҳатларини ўзида жам этгани, тадрижий тараққиётимиз билан узвий боғлиқлиги ва шу билан бирга, у жамият ривожининг янги сифат босқичига асос солиши билан юксак аҳамият касб этади;

— Босқичма-босқич, тизимли, «етти ўлчаб бир кесиш» тамойилига суяниб олиб борилган тараққиёт йўли тўғри эканини, жумладан, Концепцияда очиб берилган устувор масалалар жаҳон иқтисодий инқирозидан келадиган талафотларнинг олдини олишга янада мустаҳкам замин яратади;

— Мамлакатнинг йигирма йиллик амалий тажрибаси ўзига хос ва замонавий, яшовчан эканини исботлади, жаҳон ҳамжамиятида уни ўрганишга қизиқиш ортиб бораётганини тасдиқлади.

Шу боис, бу бой ҳаётий тажрибадан бошқа мамлакатлар ўз тараққиёт йўлида фойдаланиши фойдадан холи эмаслиги эътироф этилди, бунинг учун амалий тавсиялар берилди.

Конференция қатнашчиларининг кўпчилиги тараққиётимизнинг ўзига хослигини холисона эътироф этишди, ижобий фикрлар билдиришди. Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, бугунги кунда миллий моделимизнинг муваффақиятини таъминлаган омиллар нималарда намоён бўлмокда?

Аввало, Президентимиз конференция иштирокчиларига йўллаган табригида қайд этганидек, **«Биз турли жозибали даъватларга учмадик ва тадрижий, босқичма-босқич тараққиёт йўлини маъқул топиб, ҳар хил инқилобий моделлардан онгли равишда воз кечдик ва шу тариқа халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермокда».**

**Ҳаётнинг ўзига хос қонунияти бор: ҳеч бир нарса изсиз кетмайди. Айниқса, у эл-юрт фаровонлиги, жамият равнақи, давлат мустаҳкамлигига йўналтирилган бунёдкорлик ва яхши ниятдан иборат бўлса!**

Иккинчидан, давлат — бош ислоҳотчи сифатида ўзаро муносабатларда расмий буйруқбоз маҳкама эмас, балки жамиятдаги фаровон турмуш тарзи учун зарур шароитни яратиб берувчи дадил ислоҳотчи, жамият олдига юксак мақсадлар қўювчи ва уларни амалга оширувчи, янги ғоялар ижодкори бўлиб жонбозлик кўрсатди. Шунингдек, у жамият манфаати йўлида тарқоқ муносабатларни мувофиқлаштирувчи омил сифатида собит фаолият олиб борди.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар кенг қамровли ва изчил олиб борилди. Масаланинг муҳим жиҳатларидан яна бири «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки ислоҳотлар инсон учун» тамойилига тараққиётимизнинг ҳар босқичида оғишмай амал қилинди. *Энг асосийси,* **шахс-оила-жамият ва давлатнинг** ягона мақсад йўлида жипслашуви, якдил, ҳамфикр бўлганлигидир.

Дунёнинг шунча нуфузли вакиллари тўпланиб, Ўзбекистон тараққиёт Концепциясини ўрганиши ва уни амалиётда қўллаш учун тавсиялар бериши, бу — улкан тарихий воқеа. Халқаро анжуман сабаб, ҳали бу оламда ўз тафаккури ва истеъдоди билан ҳар қандай иқтисодий инқирозга қарши мардонавор кураша оладиган пок ниятли, бағрибутун халқ борлигига жаҳон аҳли гувоҳ бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Айни вақтда, глобаллашув жараёнига ўзбек халқи нима билан киради, умуман, бизнинг миллийлигимиз нимада намоён бўлади, деган саволга жавоб ойдинлашди. Бу — буюк ва бетакрор тарихимиз, бой маданиятимиз, миллий менталитетимиз ва бунёдкорлик салоҳиятимиз. Бу — дунёдаги ҳар бир ўзгариш ва янгиланишлар моҳиятини зийраклик билан англашга қодир шижоатли ёшларимиздир!

Бугун дунё нанотехнологиялар асосида шитоб билан ривожланмокда. Мана шу вазиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган обод бир Ватанда яшамоқ истасак, фарзандларимиз биздан-да бахтли бўлсин десак, доим бир ёқадан бош чиқариб, эл-юрт манфаати йўлида собитқадам бўлиб, олдимизга қўйган буюк мақсадга интилишимиз зарур.

### Концепция: иқтисодий ислоҳотлар йўналиши ва тараққиёт узвийлиги

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиққан Концепция бирдан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Унинг илдизи чуқур, пойдевори бундан йигирма йил олдин қўйилган. Шу ўринда Юртбошимиз ўша кезлар айтган бир фикрни эслаш жоиз: **«Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди».**

Концепцияда таъкидланганидек, 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда диққат-эътибор улкан ўзгаришларни амалга ошириш, марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиёти асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантиришга қаратилди.

Иқтисодиёт борасидаги ислоҳотлар жамиятдаги ижтимоий янгиланишларга монанд тарзда давом этди. Мамлакатда иқтисодий сиёсатнинг уч таркибий қисми, яъни макроиқтисодий барқарорликка эришиш, институционал ва бозор ислоҳотлари ўтказиш, давлат инвестициявий дастурлари ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш, шу ҳисобдан иқтисодиётни таркибий қайта қуриш бир йўла амалга оширилди.

Бу вазифани яхлит ва бир бутун ҳолда амалга ошириш учун кишилар турмушини яхшилайдиган ва доимий равишда ривожланиб борадиган миллий иқтисодий тизим барпо этилди. Шу тариқа кўп укладли иқтисодиёт вужудга келди, корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик берилди, иқтисодиётнинг таркиби қайта қурилиб, илғор технологияларни жорий этиш орқали жаҳон иқтисодиётига интеграциялашди. Шунингдек, кенг кўламли аграр ислоҳотлар ўтказилди, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал этилди. Концепциянинг иқтисодий йўналишига замин шу тариқа яратиб борилди.

Ислоҳотларнинг 2000-2010 йилги босқичида қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларининг барчаси мамлакат иқтисодиётини янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ортга қайтмаслиги кафолати бўлиб хизмат қилди. 2005 йил 28 январда Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ислоҳотлар жараёнини чуқур таҳлил этди. Иқтисодиётимизни демократлаштириш ва янгилаш борасида эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликларни холис, танқидий баҳолаб, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлларини кўрсатиб берди. **«Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. — Бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир».** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошлангач, давлатимиз раҳбари унинг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга эътибор қаратди ва Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга ошириш, дунёдаги саноқли давлатлар қатори Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш вазифасини кун тартибига қўйди. Бу саъй-ҳаракат кўп ўтмай ўз мевасини берди. Биргина мисол. Жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида дунё бўйича миллионлаб ишсизлар вужудга келган бир шароитда, Ўзбекистонда юз минглаб янги иш ўринлари ташкил этилмокда. Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори сезиларли даражада ошди, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ юки камайтирилди, инфляция даражаси пасайди. Сўмнинг харид қобилияти ўсиб бормокда.

### Ҳеч нарса изсиз кетмайди

Ҳаётнинг ўзига хос қонунияти бор: **ҳеч бир нарса изсиз кетмайди.** Айниқса, у эл-юрт фаровонлиги, жамият равнақи, давлат мустаҳкамлигига йўналтирилган бунёдкорлик ва яхши ниятдан иборат бўлса!

**Қаранг, ўтган давр ичида миллий иқтисодиётда амалга оширилган туб ўзгаришлар, изчил иқтисодий ўсиш, умуман, жамиятни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамлар жаҳон ҳамжамияти, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлар томонидан қайта-қайта эътироф этилди.**

Бугунги кунга келиб, Осиёдаги кўпгина мамлакатлар айнан биз тутган тараққиёт йўлини танламокда. Шу маънода, ушбу Концепцияни кишилик тарихининг турли даврларида, турли мамлакатларда юз берган туб ўзгаришларга сабаб бўлган воқеаларга қиёслаш мумкин. Ҳаётда улуғ ғоялар туғилади, аммо уни амалга оширувчи куч бўлмаса, у қоғозда қолиб кетади. Концепциядаги ғоялар кишиларимиз орзу-интилиши ифодаси, шу боис халқимиз уларни рўёбга чиқариш йўлида якдил ҳаракат қилмокда.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси — мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида ўтган йигирма йиллик жараённинг узвий давомидир. Шу боис, Концепция тараққиётимизнинг янги босқичини бошлаш, узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлишига шубҳа йўқ.

Демак, ўзимиз орзу қилган келажак сари яна бир қадам ташланди.

**Обиддин МАҲМУДОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

Концепция:

# Устувор вазифалар белгиланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йиғилишда **партия Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов** кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

— Концепция ғоялари амалга ошиши асосида ижроия ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтириш ва ҳукуматнинг парламент олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмлар вужудга келади, — деди партия етакчиси. — Бу шундан далолат берадики, мамлакатимизни модернизация қилиш жаҳон тажрибасига асосан амалга оширилмокда. Демократик ислоҳотларни давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида бир вақтнинг ўзида амалга ошириш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига босқичма- босқич олиб чиқишга мустаҳкам асос бўлади.

Маълумки, ЎзХДП Марказий Кенгашининг III пленумида Концепциянинг устувор йўналишларини амалга оширишда партиямиз иштирокини таъминлаш бўйича 2011 — 2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури тасдиқланди. Дастурда партиянинг ҳар бир туман, шаҳар Кенгаши ва депутатлик гуруҳлари олдига аниқ вазифалар қўйилган. Хусусан, Фарғона вилоятидаги депутатлик бирлашмаларининг муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда ташаббус кўрсатиши кўзда тутилган.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар тармоғини ривожлантиришга кўмаклашиш, қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини кенгайтириш дастурини амалга ошириш доирасида ижтимоий ва коммунал инфратузилмани янада ривожлантириш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотлари билан бойитиш, коммунал хизматлар сифатини ошириш масалалари биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур вазифаларни ҳал қилишда Фарғона вилоятидаги айрим партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари амалий натижаларга эришди. Электорат манфаатига жавоб берувчи ижтимоий вазифаларни жойларда ҳал қилишда фаоллик кўрсатаяпти.

**Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, партия Фарғона вилоят ташкилотининг ташкилий салоҳияти Концепциядан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш учун ҳали тўлиқ ишга солингани йўқ.**

Халқ депутатлари Риштон ва Ёзёвон туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишга совуққон муносабатда бўлмокда. ЎзХДП Марказий Кенгашининг ўтган йили март ойида бўлиб ўтган пленумида мазкур депутатлик гуруҳлари ёшларни ишга жойлаштириш масаласига янада кўпроқ эътибор бериши зарурлиги таъкидланган эди. Бироқ ишнинг самараси кўринмаяпти.

Масалан, Риштон туманида 2010 йили коллеж битирувчиларини мутахассислигига кўра ишга жойлаштиришга эътиборсиз қаралди. Юқори идораларга эса кўзбўямачилик билан асоссиз маълумотлар берилган. Шундай вазиятни била туриб халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи бу муаммони ҳал қилиш учун ҳеч қандай ташаббус кўрсатмаяпти. Бугун бу каби ҳолатларга қатъий баҳо беришимиз лозим.

Маҳаллий ва бошланғич ташкилотлар томонидан партия электорати орасида Концепцияга бағишлаб ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий тадбирлар мазмундорлиги ва самарадорлигини ошириш масалалари ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. Бу борада мониторинг шуни кўрсатадики, айрим туман партия ташкилотлари ташкил этаётган тадбирларнинг аксарияти бир томонлама, яъни Концепциянинг асосий устувор йўналишларини шунчаки айтиб беришдан иборат бўлмокда. Бу устувор йўналишларнинг амалга ошишидан электорат қандай манфаат кўриши тушунтириб берилмаяпти. «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотининг кўпгина туман ва шаҳар бўлимлари фаолияти ҳам расмиятчиликдан иборат бўлиб қолмокда.

Бугун мамлакатни босқичма-босқич демократик модернизациялаш жараёнида ЎзҲДП учун ҳам ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш борасида янги имкониятлар юзага келмокда. Вилоят партия ташкилотининг барча бўғинлари — сайланма идоралари, бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари саъй-ҳаракатлари бирлаштирилса, олдимизда турган вазифаларни ҳал қилишга албатта эришамиз.

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир, — деди **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимуҳаммедов.** — Бу борада ҳукуматимиз томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Парламент томонидан тасдиқланаётган янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмокда.

ЎзХДП Сайловолди дастурида ҳам шу масала юзасидан тегишли вазифалар белгиланган. Шу боис, партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси вазирлигимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилмокда.

Аммо очиғини тан олиш керакки, битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида жойларда қатор камчиликларга йўл қўйилмокда. Айрим туманларда дастурда белгиланган режалар тўлиқ







бажарилмади. Шу сабабли тегишли вазифаларни бекаму кўст бажариш учун вазирлигимиз тузилмалари ҳамда партия ташкилотлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг бир неча йўналишларда ҳамкорлигини кучайтириш зарур.

Дастурда белгиланган иш ўринларини айрим ҳолларда бўлганидек, қоғозда эмас, амалда ташкил этишни қатъий назорат қилиш керак. Маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш йўналишлари масаласини маҳаллий Кенгашлар даражасида муҳокама этиб, тегишли идораларга таклифлар киритиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, жорий йилдан эътиборан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳукумат қарори асосида ҳудуддаги корхоналарга бириктирилган. Аввало, уларнинг амалиёт ўташи ташкил этилади, кейинчалик шу ерда ишга жойлаштириш масаласи кўриб чиқилади. Бу борадаги вазифалар сўзсиз бажаралишига ҳам эришишимиз зарур.

Президентимиз Фармонлари асосида кичик корхоналарга битирувчиларни ишга қабул қилганда, касаначилик асосида қўшимча иш ўринлари яратганда тегишли имтиёзлар берилади. Бироқ бу имтиёзлардан фойдаланиш даражаси жуда паст. Бу борада ҳам тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Шу йўл орқали Фарғона вилоятида 3300 нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имкони мавжуд.

Умумий овқатланиш шохобчаларида норасмий ишлаётганларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш лозим. Уларнинг ишини расмийлаштириш орқали вилоятда 3200дан ортиқ кишини муҳофазаланган иш ўрни билан таъминлаш мумкин.

Чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларида мавжуд имкониятларни ишга солиш, яъни амалда иш билан банд кишиларнинг меҳнатини расмийлаштириш, уларга меҳнат дафтарчаси очиш ва меҳнат шартномаси имзолаш орқали вилоятда 10000 нафардан ортиқ кишини қонуний иш билан таъминлаш мумкин.

— Халқ депутатлари Фарғона, Қувасой, Қўқон шаҳри ва Бешариқ, Бувайда, Олтиариқ, Учкўприк ҳамда Ўзбекистон туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари электоратимиз манфаатларини ифодаловчи турли масалаларни ўрганиб, сессиялар муҳокамасига киритишди, — дейди ЎзХДП Фарғона вилоят Кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳкамов. — Бу борада ЎзХДП вилоят кенгашида яна бир амалий қадам қўйилди. Меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида партиямиз қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ташаббуси билан интернетда махсус «AXTARISH.UZ» веб-сайти яратилди. Мазкур сайтда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотлар бериб борилмокда.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Мастурахон Сайфутдинова, Жўрақўзи Қўлдошев, Марғилон тиббиёт коллежи директори, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси Шавкатжон Эрматов, халқ депутатлари Данғара туман кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Одинахон Давронова ва бошқалар сўзга чиқиб, Концепцияда илгари сурилган ғояларни кенг жамоатчилик орасида атрофлича тушунтириш, бу борада маҳаллий партия ташкилотларининг ташаббускорлиги зарурлигини таъкидладилар.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**





# Ҳамиша навқирон ва гўзал шаҳар

*Пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда*

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган буюк тарихий сана — 1 сентябрь халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қутлуғ айём экани қайд этилган. Бу йил халқимиз ва мамлакатимиз Ватанимиз тарихида шонли сана — миллий мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини кенг нишонлайди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида ушбу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш учун ҳудудларни ободонлаштириш, янги турар-жой мажмуаларини барпо этиш, транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимиз Тошкентда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда.

Истиқлол йилларида пойтахтимиз ўзгача тароват ва замонавий қиёфа касб этди. Бир-бирини такрорламайдиган лойиҳалар асосида маъмурий бинолар, турар жой даҳалари, кенг ва равон кўчалар, қулай ва шинам бозорлар қад ростлади. Амир Темур майдони меъморчилик ансамблининг узвий қисми бўлган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи шаҳримиз кўркига янада кўрк қўшди. Ҳазрати Имом мажмуи эса замонавий меъморларимиз салоҳиятининг ўзига хос тимсолига айланди.

Айниқса, Тошкентнинг марказий кўчаларида рўй бераётган ўзгаришлар алоҳида эътиборга молик. Бу ерда мустақиллик йилларида кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар реконструкция қилиниб, янгилари барпо этилди. Ободонлаштириш хизматлари томонидан шаҳар бўйлаб минглаб игнабаргли, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ҳар йили истироҳат боғлари, майдонлар ва марказий кўчаларда бир неча минг турдаги гуллар экилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида пойтахтимизнинг меъморий қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, янада гўзаллашмоқда, аҳоли учун янги-янги қулайликлар яратилмоқда.

**Яна бир муҳим жиҳат: Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январда қабул қилинган Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ кўчанинг транспорт қатнайдиган қисми анча кенгайтирилди ва энди машиналар тиғиз пайтда ҳам бу ердан бемалол ўтиш мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2005 йил 30 августда қабул қилинган «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 декабрдаги шаҳарлар ва шаҳар қишлоқлари бош режалари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режа асосида ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросига алоҳида аҳамият қаратилаётир.

Энг улуғ ва азиз байрамимиз арафасида пойтахтимиз марказий қисмининг меъморий қиёфасини янгилаш ва ободонлаштириш, шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолисининг турар жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида пойтахтимизнинг қадимий кўчаларидан бири — Навоий кўчаси тубдан ўзгартирилмоқда. Айни пайтда бу ерда аҳолининг турар жойларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш, янги ва замонавий турар жой ҳудудларини ташкил этиш ва азим шаҳримиз қиёфасини янада яхшилашга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, яқин вақтгача бу ерда электр техникаси ва маиший товарлар билан савдо қиладиган дўконлар жойлашгани боис кўчанинг транспорт юрадиган қисмида тирбандлик юзага келган бўлиб, йўллар ёқасида тақиқланган белгилар қўйилганига қарамай, машиналар турнақатор бўлиб турар, улар транспорт воситалари ва йўловчиларнинг ҳаракатига тўсқинлик қиларди. Бундан ташқари, дўконларнинг ташқи кўриниши ҳам пойтахтимизнинг умумий меъморий қиёфасига мос келмасди.

Яқин вақт ичида электротехника буюмлари ва маиший товарлар билан савдо қиладиган ушбу дўконлар Кичик ҳалқа автомобиль йўли бўйига жойлаштирилади. Янги «Флешка» техномарказини Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида очиш режалаштирилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Навоий кўчасида жойлашган мазкур эски савдо дўконлари бузилди, уларнинг орқасидаги ташландиқ ҳудуд тозаланиб, бўлажак қурилиш учун тўлиқ тайёрланди. Шунингдек, Алишер Навоий, Олмазор, Ўқчи ва Фурқат кўчалари чегарасида жойлашган эски уйлар ҳам бузилди. Уларнинг эгаларига, хоҳишига қараб, квартира ёки замонавий уй-жой қуриш учун ер участкалари берилди.

— Мен туғилганимдан буён шу ерда яшайман, — дейди «Олмазор» маҳалласи фуқароси Лутфулла Абдуллаев. — 1966 йилги зилзиладан сўнг, бу ерда илк бор ярмарка пайдо бўлди ва у аста-секин кенгайди. Истиқлол йилларида бу ерда электр техникаси ва маиший товарлар дўконлари барпо этилди. Шаҳарнинг замонавий меъморчиликка мос келмайдиган эски қисми эса уларнинг орқасида қолиб кетди. Мамлакатимиз ҳукумати ҳудудларни ободонлаштириш ҳақида қарор қабул қилганидан мамнунман. Шубҳасиз, бу ерда қад ростлайдиган янги турар жой комплекси қадимий ва ҳамиша навқирон пойтахтимиз кўркига кўрк қўшади.

Бугун Навоий кўчасида янги турар жой ҳудудини қуриш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ушбу кенг кўламли ишни амалга ошириш учун бош буюртмачилар, пудратчи ва лойиҳачилар аниқланмоқда. Бу ерда барча муҳандислик тармоқлари, тегишли ижтимоий-маданий объектларга эга етти қаватли 8 уй қурилади, Навоий, Олмазор, Ўқчи ва Фурқат кўчалари ҳудуди ободонлаштирилади.



Қурилиш ишлари буюртмачилар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Улар орасида «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки, «Алоқа банк» очиқ акциядорлик тижорат банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки ва «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат-ипотека банки бор.

«Тошнефтгазқурилиш» очиқ акциядорлик компанияси, «Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компанияси, «Бунёдпластқурилиш» масъулияти чекланган жамияти, НТМКнинг «Зарафшон қурилиш бошқармаси», «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонаси ва бошқалар янги комплекснинг бош пудратчилари, «Тошкент бошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси бош лойиҳачи ташкилот ҳисобланади.

Шуниси эътиборлики, идоравий ташкилотларга тегишли мазкур уйлар уларнинг уйга муҳтож ходимларига, шунингдек, кам таъминланган оилаларга берилади. Мамлакатимиз банкларининг ўз маблағлари эвазига барпо этилаётган хонадонлар кредит асосида фойдаланиш учун берилади. Улар учун маблағни 15 йил давомида тўлаш кўзда тутилган. Ёш оилаларга кредит бўйича сотиб олиш учун катта имтиёзлар тақдим этилади.

Турар жой массиви орқасида катта истироҳат боғи барпо этилади. Бу ерга майсазор қопламалари келтирилди ва томчилаб суғориш учун қувурлар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходимларидан бири, Навоий кўчасидаги яшил майсазорларни 50 йилдан буён меҳр билан парвариш қилиб келаётган оқсоқол Файзулла Ғайбуллаев пойтахтимизда яна битта ажойиб истироҳат боғи пайдо бўлаётганидан хурсандлигини яширмади.

— Тошкентга Наманган вилоятидан келганимда 24 ёшда эдим, — дейди Файзулла ота. — Бу ишга ўша пайтда жойлашганман. Ҳозир 77 ёшга кирдим. Бу ерда янги истироҳат боғи барпо этилишини эшитганимда ҳали қиладиган ишларим кўплигини англадим. Бундан руҳим янада кўтарилди ва бу ерда экиладиган дарахт ва ўсимликларни меҳр билан парвариш қилишдан жуда хурсандман.

Яна бир муҳим жиҳат: Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январда қабул қилинган Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ кўчанинг транспорт қатнайдиган қисми анча кенгайтирилди ва энди машиналар тиғиз пайтда ҳам бу ердан бемалол ўтиш мумкин.

Транспорт хизматларига ортиб бораётган талабни янада тўлиқ таъминлаш, транспорт харажатларини камайтириш ва барча турдаги транспорт воситалари, шу жумладан, ер устида йўловчи ташувчи электр транспортининг ҳаракатланиш схемасини мақбуллаштириш ва транспортларнинг атроф-муҳитга заҳарли таъсирини камайтириш орқали уларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди. Бу ишлар Амир Темур, Навоий, Шота Руставели кўчаларидаги трамвай линияларини демонтаж қилишни ўз ичига олган. Аввал рельслар жойлашган йўллар йўл инфратузилмасига мувофиқ асфальт билан қопланди.

Бироқ трамвай линиялари бошқа йўналишлар бўйича ўтказилмоқда. Масалан, Муқимий кўчасидан Ш.Руставели, Кушбеги кўчалари, Тошкент кичик автомобиль ҳалқа йўли, Тараққиёт кўчасигача узунлиги 7,1 километрлик линиялар, контакт тармоқлари ҳамда трансформатор кичик станциялари қурилиши ниҳоясига етмоқда. Яқин вақт ичида Самарқанд дарвоза кўчасидан Оқтепа майдонигача узунлиги 2,7 километрлик линия барпо этиш ишлари ҳам якунланади.

Шу йилнинг охиригача Бешқайрағоч кўчаси, Тошкент автомобиль ҳалқа йўлидан Ибн Сино даҳасигача узунлиги 3,6 километрлик трамвай линиялари қурилишини якунлаш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, Фарғона йўли кўчасидан Рисовий ва Алимкент кўчаларигача узунлиги 2,5 километр бўлган автомобиль йўли участкаси ва трамвай линияси реконструкция қилинади. Бу линияларда юқори тезлик билан юрадиган поли паст трамвайлар қатнайди.

Мухтасар айтганда, трамвай йўллари қурилишининг ниҳоясига етказилиши ва реконструкция қилиниши бу йўлларни анча узайтириш, янги йўналишларни ташкил этиш имконини беради ва пойтахтимиз кўчаларидаги транспорт оқимини енгиллаштиради.

Тошкент шаҳар ҳокимлигидан маълум қилишларича, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига тайёргарлик кўриш ва пойтахтимизни замонавий мегаполисга айлантириш учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан марказий буюм ва қурилиш материаллари бозорларини шаҳар четига кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Улар кўчириладиган жойларда бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига жавоб берадиган янги дўконлар қурилиши деярли ниҳоясига етказилган. Мамлакатимизнинг реконструкция қилинган энг йирик «Отчопар» буюм бозори яқинида юзлаб дўконларни ўз ичига олган улкан гипермаркет барпо этилган.

Масалан, яқинда «Олой» бозори ҳудудидан ноозиқ-овқат товарлар билан савдо қиладиган дўконлар, сервис хизматлари кўрсатадиган пунктлар кўчирилди. Натижада, бу ердаги автомобиллар тўхташ жойи анча кенгайтирилади ва бу кўчанинг ўтиш қисмини анча енгиллаштиради. Энди «Олой» бозори билан ёнма-ён жойлашган йирик меҳмонхоналар, ташкилотлар ва хусусий компаниялар олдида ўз машиналарини қўядиган автомобиль эгалари уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган махсус тўхташ жойида қолдириши мумкин.

Бундан ташқари, Паркент кўчасида ҳам ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, бу ерда жойлашган «Паркент» савдо мажмуининг қурилиш материаллари билан савдо қиладиган дўконлари ҳам кўчирилди. «Универсал» савдо мажмуи Тошкент автомобиль ҳалқа йўли ташқарисига чиқарилди. Унинг ўрнида автотранспорт воситалари вақтинча сақланадиган бирмунча кенгайтирилган тўхташ жойи ташкил этилади. Қурилиш материаллари сотувчилари ҳозирча Ўриксор ёки Чуқурсойдаги қурилиш материаллари бозорларидаги жойларни ижарага олиб, ишни давом эттирмоқда.

Ушбу улкан бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилганидан далолат беради.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Хабарлар

# Чорвачилик ривожи

***аҳолини иш билан бандлигига хизмат қилади***

Миллий матбуот марказида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз бўйича 2006-2010 йилларда 124309 нафар кўп болали ва кам таъминланган оилаларга 134672 бош қорамол, шундан ҳомийлар маблағи ҳисобига 127499 бош, нодавлат фондлар ҳисобидан 3116 бош ва маҳалла фондлари ёрдамида 4057 бош қорамоллар текин тарқатилгани, шу давр мобайнида тижорат банклари томонидан қорамол сотиб олиш учун 215 млрд. 503 млн. сўм ажратилгани тўғрисида маълумот берилди.

Жумладан, ўтган тўрт йил мобайнида республикамиз бўйича 1 миллион. 441 минг 237 нафар аҳоли чорвачилик билан шуғулланган. Шундан 548 минг 189 нафарига янги меҳнат дафтарчалари очилган, умуман 893 минг 48 нафар аҳоли шу иш туфайли меҳнат стажига эга бўлган.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

# Коллеждан — заводга

Деҳқонободдаги Калийли ўғитлар заводи билан Агробизнес ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Унга кўра, заводнинг етакчи мутахассислари ҳафтанинг ҳар пайшанба куни коллежга келиб, ўқув машғулотларини олиб боришади. Жорий йилнинг 25 апрелидан бошлаб 69 нафар ўқувчи ишлаб чиқариш амалиётини заводда ўтказишяпти. Корхона раҳбарияти ўқувчиларнинг амалиёт ўташлари учун қулай шароит яратиб берди. Амалиётчиларнинг корхонага қатнаши учун текин транспорт воситаси ва тушлик билан таъминлаш завод ҳомийлигида амалга оширилади.

**Абдуқаюм БЕККАМОВ**

# Андижонда «ISUZU» автобуслари

«Шаҳрихонйўловчитранс» масъулияти чекланган жамият томонидан лизинг асосида олинган 50 та «ISUZU» автобуси йўлкира арзонлиги ва қулайлиги билан йўловчиларга манзур бўлмоқда. Тажрибали ҳайдовчилар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Автобусларнинг аниқ жадвал бўйича қатнови йўлга қўйилган.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

# Маҳсулот — хорижга

Бухородаги «Жондормегатекстилсервис» корхонаси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳозир бу ерда 6 турдаги сочиқлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йили корхонада 37 киши иш билан банд бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 78 нафарни ташкил этди. 2010 йили 2 миллиард 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва унинг аксарият қисми хорижга экспорт қилинди.

**Лазиза ШЕРОВА**

## Хориж

# Табиий офат кучаймоқда

***АҚШнинг жануби-шарқий штатлари ўз миқёси билан фавқулодда кучли бўрон (торнадо) ичида қолди.***



Ҳозиргача қурбон бўлганлар сони икки юз нафардан ошди. Қидирув ишлари давомида уларнинг сони янада ортаётгани айтилмоқда. Арканзас ва Теннеси штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Алабама штати марказий шаҳарлари эса қуюнлар остида қолиб кетди.

Табиий офат туфайли тўртта штатда электр энергияси таъминоти издан чиққан. Беш юз минг хонадонда электр ва телефон тармоғи ишламаяпти. Газ қувурлари ёрилиши оқибатида катта ёнғин келиб чиққан. Мазкур ҳудуддаги атом электр станцияси фаолияти ҳам тўхтатилди.

Мутахассислар кучли бўрон яқин кунлар ичида тинмаслигини маълум қилди.

# Сайёҳлар жабр кўрди

***Марокашнинг сайёҳлик ривожланган шаҳарларидан бири Марракешда кучли портлаш содир бўлди.***

Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи кафеларнинг бирида рўй берган портлаш оқибатида 14 нафар одам қурбон бўлган, 20 дан ортиғи жабрланган. Қурбонларнинг аксарияти хорижлик фуқаролар. Дастлабки текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, портлаш кафедаги носоз газ баллони туфайли юз берган. Ҳуқуқ-тартибот вакиллари эса буни қўпорувчилик дейишмоқда.

# Жосус телефон машмашаси

***Американинг «Apple» корпорацияси электрон планшет ва телефон каби бир неча хил воситалар орқали уларнинг эгалари ҳақида маълумот тўплашда, яъни жосусликда айбланган эди. Корпорация буни рад этди.***



Муқаддам планшетдан фойдаланувчилар ҳамда телефон эгалари мана шу воситалар вақти-вақти билан ўзлари ҳақида қаёққадир маълумот узатаётганини сезиб қолишган. Мутахассислар бу ҳолатга аниқлик киритди, шундан сўнг «Apple» корпорацияси раҳбариятига расман сўровнома юборилди. Маълум бўлишича, электрон воситалар ҳақиқатан ҳам ўзи жойлашган ҳудуд ва вазият ҳақида корпорация маълумотлар базасига ахборот бериб туради.

Баъзи кузатувчиларнинг фикрича, корпорация баёноти билан бу машмаша тугамаслиги мумкин. Чунки, смартфон (iPhone) ва планшет (iPad) махсус кузатув объектлари орқали ўз эгаларининг қачон ва нима билан машғул бўлишини тўла ёзиб боради ва «Apple»нинг маълумотлар базасига узатади.

# БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ

## Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» республика спорт мусобақалари бошланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мазкур тизимнинг ўрта бўғини — «Баркамол авлод» спорт мусобақалари бу гал бешинчи маротаба ўтказилмоқда. Мазкур мусобақага илк маротаба 2001 йилда Жиззахда старт берилган эди. Мусобақанинг мамлакат босқичида туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этган энг сара спортчилар қатнашиб келмоқда. «Баркамол авлод» беллашувларида қайд этилаётган натижалар, кўрсаткичлар, рекордлар йилдан-йилга ўсиб бораётгани ёшларимизнинг спорт соҳасидаги салоҳияти юксалаётганидан ёрқин далолатдир. «Баркамол авлод» мусобақаларида тажриба орттирган футболчи Одил Аҳмедов, бадиий гимнастикачилар — Комила Тўхтаева, Вероника Есипова, шахматчи Нодира Нодиржонова, Ҳулкар Тоҳиржонова каби ёшларимизнинг халқаро майдонлардаги натижалари мухлису мутахассислар эътиборини қозонмоқда.



Ўзбекистон спортининг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани юртимизда жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан чамбарчас боғлиқдир. Бу жараёнда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти, айниқса, самарали бўлмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намоён этиш, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга содиқлик, ифтихор туйғуларини сингдиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

...Стадионга Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларининг машъаласини кўтарган йигит ва қиз кириб келади.

«Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари оловини самбо бўйича Осиё чемпиони Наргиза Ёвқочдиева ҳамда каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони Ўктам Бекпўлатов ёқди.

Ушбу аланга ёшларимизнинг беғубор интилишлари, Ўзбекистон халқининг озодлик ва истиқлол ғояларига содиқлиги рамзи сифатида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг республика «Баркамол авлод — 2011» мусобақалари давомида ёлқинланиб туради.

Мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан «Кичик олимпиада» деб таърифланган уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилади. Бу йилги мусобақалар ҳам спортнинг ўн икки тури — баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, бадиий гимнастика, теннис, стол тенниси, сузиш ва шахмат бўйича ўтказилмоқда. Термиз шаҳри мезбонлик қилаётган беллашувларда туман, шаҳар ва вилоятларда ўтказилган саралаш босқичларида ғолиб чиққан юзлаб ёш спортчилар кураш олиб боради. Қувонарлиси, уларнинг аксариятини спорт билан мунтазам шуғулланиб, моҳир спортчи бўлишга интилаётган, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда тажриба ва маҳоратини ошириб, катта спортдаги муваффақиятли одимларини бошлаш арафасида турган иқтидорли ўғил-қизлар ташкил этади.

«Баркамол авлод» республика спорт мусобақаси мезбони — Сурхон воҳасида истиқлол йилларида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси юксалди. Бир пайтлар аграр вилоят ҳисобланган Сурхондарё саноати ривожланган ҳудудлар сафига қўшилди.

Пурвиқор тоғлар бағрини кесиб ўтган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилиши воҳанинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, ноёб қазилма бойликларини ўзлаштириш учун катта имкониятлар яратди. Мазкур янги темир йўл бўйлаб барча қулайликларга эга Дарбанд, Бойсун ва Қумқўрғон бекатлари, кўплаб ижтимоий иншоотлар барпо этилди.

Мамлакатимизда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқда ҳаёт даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Сурхондарё вилоятида ҳам ўзининг амалий самараларини бермоқда. Воҳа қишлоқларида 2009 йилда намунавий лойиҳа асосида 60, 2010 йили 660 замонавий уй-жой барпо этилди. Жорий йилда қурилиш кўлами янада кенгайтирилиб, 36 массивда 675 уй-жой қурилиши давом этмоқда. Муҳими, ушбу аҳоли пунктларида йўллар кенгайтирилиб, атрофи ободонлаштирилаётир, маиший хизмат шохобчалари, спорт майдончалари қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш борасидаги ишлар натижасида миллий қадрият ва анъаналаримиз, буюк аждодларимизнинг номи қайта тикланди, улар мангу қўним топган муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ҳаким Термизий мажмуаси, Султон Саодат, Кокилдорота мақбаралари, Исо Термизий, Сўфи Оллоёр қадамжолари кўркам зиёратгоҳларга айлантирилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, ўтган йиллар давомида шаҳар ва қишлоқларда барча қулайликларга эга, замонавий 25 янги мактаб бунёд этилди, 233 мактаб капитал реконструкция қилинди, 364 мактабда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 115 коллеж, бешта акамедик лицей барпо этилди. Битта мусиқа мактаби қурилди.

«Баркамол авлод — 2011» республика спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Сурхондарё вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Термиз шаҳрида янги «Сурхон» спорт мажмуи қад ростлади. Иншоотни қуриш ва пардозлаш ишларида илғор хорижий тажриба ва миллий меъморчилик анъаналаридан, замонавий дизайн имкониятларидан унумли фойдаланишга, ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди. Мажмуа таркибидаги 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадиий гимнастика ва қўл тўпи заллари замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Термиз олимпия захиралари спорт коллежи, 1-академик лицей ҳамда Термиз давлат университетининг спорт заллари, «Алпомиш» теннис корти ва кураш мажмуаси, «Алпомиш» стадиони қайта таъмирланди, Термиз педагогика коллежи спорт зали ҳамда «Дельфин» сузиш ҳавзаси реконструкция қилинди. Шунингдек, Термиз археология музейи, Ҳаким Термизий мажмуаси, вилоят қўғирчоқ театри, Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри ва қатор бошқа иншоотлар тубдан таъмирланди. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Кенг ва равон йўллар барпо этилди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари яшайдиган талабалар турар жойлари ва меҳмонхоналарда барча шароитлар яратилди. Иштирокчилар ва мусобақа меҳмонлари тантанали кутиб олинган Термиз аэропорти ва темир йўл вокзалида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

«Баркамол авлод — 2011» беллашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тайёрланди. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар, турли шоу-концертлар кўзда тутилган.

...Майдонга байрам садолари остида ранг-баранг либослардаги спортчилар, болалар ижодий жамоалари, таниқли эстрада артистлари чиқиб келади. Улар ижро этган саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намоён бўлади.

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақалари ўйинларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан якунланди.

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**



## Ахборот-кутубхона

*янги ривожланиш босқичида*

Бухоро вилоятида 164 та ахборот-кутубхона фаолият кўрсатади. Биргина Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази фондида 260 минг нусхага яқин китоб сақланади.

Жорий йил биринчи чорагининг ўзида кутубхона фонди яна 91 номдаги китоб билан бойиди. Бундан ташқари, муассаса 2011 йил учун 102 номдаги газета ва журналларга обуна бўлган. Зиё маскани китобхонларининг сони эса 18 минг нафардан ошиб кетди.

— Яқинда қабул қилинган «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун кутубхоначиликнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш билан бирга китобхонларимиз учун ҳам қатор қулайликларни яратади, — дейди вилоят ахборот-кутубхона маркази раҳбари Мамлакат Самадова. — Эндиликда кутубхонамиз тегишли нашрларнинг мажбурий нусхалари билан таъминланади. Қонунда китоб фондимизнинг электрон вариантларини яратишга ҳам кенг имкониятлар берилган.

Мазкур муассасада замонавий ахборот технологияларини татбиқ қилиш орқали махсус электрон база яратилган. Интернет хизматлари, ахборот алмашинувининг электрон шаклини ривожлантириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди. Айни кунда электрон китоблар базаси 39079 тага етиб қолди. Электрон каталогда эса жами 36814 дан ортиқ нашр тўғрисида маълумот сақланади. Шу кунларда электрон каталогга янги адабиётлар, нодир фондлар, қадимий қўлёзмалар коллекцияси ҳамда XIX аср охири XX аср бошларида чоп этилган литографик нашрларни киритиш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб бориляпти.

**Лазиза ШЕРОВА**

Банк тизими

## Кредитлаш инфратизими такомиллашмоқда

Республика Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамда Халқаро молия корпорацияси ҳамкорлигида «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Бугунги кунда ҳукуматимизнинг «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Марказий банк ҳузурида Кредит ахбороти миллий институти ва Банклар ассоциацияси қошида Банклараро кредит бюроси фаолият юритмоқда. Мазкур муассасаларда мижозлар ҳақида тўпланган ҳаққоний ва тўлақонли ахборотлар банклар кредит портфели сифатини ошириш ва кредит таваккалчилигини минималлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Бу маълумотлар банклар томонидан кредитлар ажратиш, кафолатлар бериш ва бошқа хизматлар кўрсатишда муайян қарорлар қабул қилишга шароит яратади.

Семинарда сўзга чиққан чет эллик экспертлар кредит ахбороти алмашинуви тизими борасидаги халқаро тажриба ҳақида сўзлаб беришди. Шу билан бирга, яратилаётган қонун Ўзбекистонда самарали ахборот алмашинуви тизимининг шаклланишида муҳим ўрин тутишини қайд этдилар.

Кредит ахбороти алмашинуви тизимининг қонун билан мустаҳкамланиши мамлакатимиз банкларининг кредитлаш фаолиятини ташкил қилиш ва такомиллаштиришга оид ҳуқуқий базанинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**



## Лизинг — модернизациялаш учун инвестиция

**Пойтахтимизда учинчи Тошкент халқаро лизинг форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида лизинг операциялари улушининг ҳар йили ўсиб бориши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилган ишларнинг натижасидир. Чунончи 2010 йил якунларига кўра, республика лизинг хизматлари бозорида умумий миқдори 430 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги 5,5 мингдан ортиқ битимлар имзоланган. Жами лизинг портфелининг ҳажми 1,13 трлн. сўмдан ошди. Олдинги йилга нисбатан лизинг хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати 7-8 фоиз даражасида бўлган. Битимларнинг катта қисми лизинг компаниялари томонидан тузилган.

Лизинг операцияларининг таркибий ўзгаришлари ҳам эътиборга молик. Агар 1990 йиллар охирида лизингга берилган объектлар орасида катта улушни қишлоқ хўжалиги техникаси ташкил қилган бўлса, 2010 йил якунлари бўйича технологик асбоб-ускуналар етакчилик қилган. Учинчи Тошкент Халқаро лизинг форумида Ўзбекистондаги лизинг хизматлари бозорининг истиқболлари ҳақида қатнашчиларга батафсил маълумот берилди. Бу эса мазкур секторга хорижий инвестиция жалб этишнинг зарур шарти ҳисобланади. Мутахассисларнинг баҳолашича, мазкур бозор имконияти кенгдир — 2015 йилда лизинг хизматлари ҳажми салкам 930 миллиард сўмни ташкил этиши тахмин этилмоқда.

Форум доирасида лизинг хизматлари соҳасидаги жамоатчилик мукофоти — «Олтин портфель» лауреатларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

| ОБ-ҲАВО 30.04-01.05. 2011 | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 28°C | 30°C |
| Самарқанд | 25°C | 30°C |
| Нукус | 23°C | 28°C |
| Қарши | 28°C | 33°C |
| Урганч | 23°C | 28°C |
| Навоий | 28°C | 33°C |
| Фарғона | 23°C | 28°C |
| Бухоро | 28°C | 33°C |
| Андижон | 23°C | 28°C |
| Наманган | 23°C | 28°C |
| Термиз | 28°C | 33°C |
| Жиззах | 25°C | 30°C |
| Гулистон | 25°C | 30°C |
| Тошкент вил. | 25°C | 30°C |
| Лондон | 13°C | 10°C |
| Париж | 12°C | 12°C |
| Москва | 7°C | 9°C |
| Мадрид | 11°C | 9°C |
| Пекин | 12°C | 11°C |
| Гонгконг | 22°C | 24°C |
| Рим | 11°C | 10°C |
| Анқара | 9°C | 8°C |
| Токио | 12°C | 16°C |
| Стокгольм | 3°C | 2°C |
| Кейптаун | 12°C | 14°C |
| Қоҳира | 10°C | 10°C |
| Гавана | 22°C | 22°C |
| Вашингтон | 8°C | 9°C |

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G`ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug`bek MUSTAFOYEV, Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari), G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko`chasi, 32-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 449
18968 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O`zA yakuni — 23.25
Topshirilgan vaqti — 00.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5